

ИСЛОМИЙ ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ МАЛАЙЗИЯ ТАЖРИБАСИ

С.З. Абборов

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ҳузуридаги “Ўзбекистон иқтисодиётини ривожлантириш илмий асослари ва муаммолари” илмий-тадқиқот маркази,
таянч докторант

Email: sirojiddin_2463@umail.uz

Аннотация. Мақолада жаҳонда сезиларли даражада ривожланиб бораётган исломий қимматли қоғозлар эмиссия қилиш бўйича энг катта тажрибага эга мамлакат – Малайзия тажрибаси ёритиб берилган. Малайзия тажрибасида сукукларнинг жорий этилиши, кадрлар тайёрлаш ва ҳуқуқий асосларни шакллантириш билан боғлиқ жиҳатларига алоҳида тўхталиб ўтилган. Ушбу тажрибадан Ўзбекистонга мос келувчи муҳим жиҳатларидан фойдаланиш мумкинлиги илгари сурилган.

Таянч сўзлар: Сукук, ислом молияси, ислом банки, ислом дарчалари, такофул, эмиссия, шариат кенгаши.

Аннотация. Статья посвящена опыту Малайзии, считающейся самой большой по эмиссии исламских ценных бумаг, который быстро развиваются в мире. Особое внимание обращается в опыте Малайзии на внедрению сукуков, подготовка кадров и формирование правовых основ. Выдвигается предположение по использованию основных аспектов данного опыта, подходящих для Узбекистана.

Ключевые слова: Сукук, исламское финансирование, исламский банк, исламских окон, такафул, эмиссия, шариатский совет.

Abstract. Given article is devoted to the experience of Malaysia, which is considered the largest in terms of issuing Islamic securities, which is developing rapidly in the world. Particular attention is drawn to the experience of Malaysia on the introduction of sukuks, training and the formation of legal foundations. It is suggested to use the main aspects of this experience, suitable for Uzbekistan.

Key words: Sukuk, Islamic finance, Islamic bank, Islamic windows, takaful, emission, Shariah Board.

Кириш

Мамлакатимизда фонд бозорини ривожлантириш ва у орқали сармоя жалб қилиш самарадорлигини ошириш учун кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 январдаги ПҚ-4127-сонли “Ўзбекистон Республикаси Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорида бир қатор устувор йўналишларни ўз ичига олган Капитал бозорини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юкланган, хусусан:

- хорижда муваффақиятли синовдан ўтган илғор ёндашувлардан фойдаланиш орқали барча тоифадаги инвесторлар учун капитал бозорининг қулайлигини ошириш;
- банк томонидан кредитлашнинг самарали муқобил механизмини яратиш;
- капитал бозорини замонавий талабларга мос кадрлар билан таъминлашнинг барқарор тизимини ривожлантириш.

Биз қуйида тадқиқот объекти сифатида кўриб ўтадиган исломий қимматли қоғозлар айнан ушбу бандларга тўлиқ мос келиши билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон фонд бозорига янги молиявий инструмент сифатида исломий қимматли қоғозларни жорий этиш мобайнида энг аввало бу борадаги илғор хорижий тажрибани ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда мақола Малайзия тажрибаси танланганлигининг асосланиши, Малайзияда исломий қимматли қоғозларга эҳтиёжнинг юзага келиши, янги молиявий инструментнинг жорий этилиши ва давлат томонидан тартибга солиниши каби қисмлардан таркиб топади.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Ислом молияси ва банк ишининг фундаментал асослари ва тамойиллари хусусан, сукукларнинг ишлаш механизмлари ва унинг истиқболлари бўйича Малайзиялик олимлар Седин Хорун ва Ван Нурсофиза Ван Азми (Sudin & Wan Nursofiza, 2009), ғарб олимларидан Брайн Кеттел (Kettell, 2011) иш олиб борган. МДХ вакиллари Л.С.Мокина (Мокина, 2017) ва Яқин шарқ олимлари Ж.Насиф, Абдулкадир Томас (Nathif & Abdulkader, 2005) исломий қимматли қоғозлар молиялаштиришнинг янги манбалари сифати намоён бўлишини очиб берган. бундан ташқари М.У.Чапра (Chapra, 2011) исломий қимматли қоғозларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитидан кам таъсир билан чиққанига тўхталиб ўтган.

Ўзбекистон олимларидан Равшан Абдуллаев (Абдуллаев ва Дусанов, 2007), таржомонлардан Ботирхўжа Жўраевлар (Жўраев, 2014) бу борада илмий ишларни бошлаб беришган.

Умуман олганда мавзу жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, Ўзбекистон учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот методологияси сифатида исломий қимматли қоғозларнинг жорий қилинишида Малайзия тажрибаси ва Ўзбекистон имкониятлари қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган. Малайзияда исломий қимматли қоғозларнинг жорий қилинишда иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга узвийликда қаралиб, тизимли ёндашув услуби қўлланилди. Маълумотлардан хулоса чиқаришда мантиқий таҳлил ва умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.


Таҳлил ва натижалар

Молия бозори ўзининг ривожланиш тарихи давомида бозор талабига кўра кўплаб янги молиявий инструментларни таклиф этиб келган. XXI асрга келиб жаҳоннинг деярли барча минтақасида ислом иқтисодиёти, ислом молияси ва исломий қимматли қоғозлар жадал тараққий эта бошлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироз шароитида кам даражада таъсир билан чиқиши унга бўлган қизиқишни янада орттириб юборди. Ислом молиясининг янги инструментларидан бири сукук ҳисобланади.

Сукук (исломий қимматли қоғоз) – активнинг ёки тадбиркорлик фаолиятининг фойда ва зарарида кўрсатилган улушда иштирок этишини билдирувчи қимматли қоғоз. Инглиз манбаларида исломий облигация сифатида кенг қўлланилади.

Янги молиявий инструментни ишлаб чиқаришни Малайзия бошлаб берганлиги ва энг асосийси, ушбу мамлакатда катта тажриба тўпланганлиги сабабли сукук эмиссия қилишда Малайзия андоза сифатида қаралади. 2017 йил якунига қадар амалга оширилган жаҳондаги жами эмиссиянинг 62,5% ёки 612,3 млрд. АҚШ доллари Малайзия ҳиссасига тўғри келади (1-расм). Малайзия 6 минг маротабага яқин эмиссияни амалга оширган. Бу эса ўзидан кейин турувчи 392 маротаба сукук эмиссия қилган Баҳрайдан 14,5 баробар кўп. Шу ўринда савол туғилади: Саудия Арабистони, БАА, Туркия ва Покистон каби мамлакатлар потенциали Малайзиядан кам бўлмаган ҳолатда, нега фарқ жуда катта? Бу ҳолат шундай изоҳланадики, ушбу мамлакатларда ички молиявий ресурслар етарли даражада шаклланиб келмоқда, Малайзия хориж ресурсларини жалб қилиш мақсадида халқаро сукукларни эмиссия қилади. Юқоридаги мамлакатларда

исломий қимматли қоғозлар секторидан кўра ислом банкчилиги сектори нисбатан кенгроқ ривожланган. Бундан ташқари, шариат нуқтаи назаридан мазҳаблар ўртасидаги фарқларни унутмаслик лозим.



Манба: *International Islamic Financial Market, 2018, pp57-58*

1-расм. Жаҳоннинг алоҳида мамлакатларида сукук эмиссиясининг ҳажми (2001-2017 йиллар, млрд. АҚШ доллари)

Юқорида сукук фаолияти бўйича энг катта улуш ҳам, тажриба ҳам Малайзияга тегишли эканлигини кўрдик. Сукукларнинг қиймати бўйича кейинги ўринларда турувчи Саудия Арабистони ва БАА ёки сукук чиқариш бўйича тажрибани акс эттирувчи кўрсаткич – эмиссиялар сони бўйича иккинчи бўлган Баҳрайн мамлакатларининг иқтисодийети нефт-газ саноатига юқори даражада боғлиқлиги, иқтисодийетининг таркибий тузилишида мамлакатимиздан кескин фарқланиши ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларининг Ўзбекистонга мос эмаслиги сабаб ушбу мамлакатларга нисбатан кўпроқ Малайзия тажрибасини ўрганиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, Малайзия тажрибасини ўрганаётганда сукукларнинг жорий қилиниш босқичлари, тартибга солиниш фаолияти ва ҳуқуқий асосларига алоҳида урғу берамиз. Сукукларнинг ишлаш механизмлари ва методологияси халқаро стандартлардан ўрганиш лозим бўлади.

Сукук бўйича Малайзия тажрибасининг кўплиги ва юқорида кўрилган мамлакатларга нисбатан Малайзия иқтисодийетининг таркибий тузилиши Ўзбекистонга анчагина яқинлиги (1-жадвал) сукук билан боғлиқ тажрибани ўрганишга иқтисодийетимиз учун энг мақбул мамлакат ҳисобланади. Бундан ташқари, Малайзия Глобал ислом молияси индекси (GIFR) бўйича 2016-2017 йилларда энг юқори ўринда қайд этилган (GIFR, 2017).

Малайзияда XX асрнинг иккинчи декадасида сукуклар эмиссияси энг фаол нуқтага етди (2-расм). Жаҳон миқёсда Малайзиянинг салмоғи катталиги боис, мамлакатдаги ўзгариш бевосита жаҳон тенденциясига ҳам таъсир қилади. Юқоридаги

барча факторларни ҳисобга олган ҳолда Малайзия сукукларни жорий этиш бўйича бутун жаҳонда андоза мамлакат сифатида қаралади.


1-жадвал

Ўзбекистон ва Малайзия 2017 йил макроиқтисодий кўрсаткичлари

№	Кўрсаткич номи	Ўзбекистон	Малайзия
1.	ЯИМ (млрд. АҚШ доллари)	48,2	314,5
2.	ЯИМ харид қобилияти паритети бўйича (млрд. АҚШ доллари)	222,34	930,75
3.	ЯИМ аҳоли жон бошига (АҚШ доллари)	1 504	9 945
4.	ЯИМ аҳоли жон бошига харид қобилияти паритети бўйича (АҚШ доллари)	6 865	29 432
5.	ЯИМ ўсиш суръати (%)	5,3	5,9
6.	ЯИМ секторлар кесимида (%)		
	қишлоқ хўжалиги	17,9	8,8
	саноат	33,7	37,6
	хизмат кўрсатиш	48,5	53,6
7.	Аҳоли сони (млн. нафар)	32,39	31,62
8.	Мусулмон аҳолининг улуши (%)	88	61,3

Манба: data.worldbank.org ва www.cia.gov маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган

Шунингдек, қўшни мамлакат сифатида Қозоғистон тажрибаси ҳам бефарқ қолдирмайди. Қозоғистон бир маротаба 77 млн. АҚШ доллари қийматидаги сукук эмиссия қилган (International Islamic Financial Market, 2018).



Манба: International Islamic Financial Market, 2013-2018 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

2-расм. Малайзияда сукукларнинг йиллар кесимидаги эмиссияси (млн. АҚШ доллари)

Икки компонентли молия тизимига эга Малайзиянинг молия тизими тарихида биринчи банк сифатида *Chartered Merchantile Bank of India, London and China* 1856 йилда очилган бўлиб, унда ҳали Британия таркибида эди. Малайзия 1957 йилга келиб мустақилликка эришади ва уни 31 августда эълон қилади. Исломи молияси бўйича илк қадам 1969 йили ташланади. Ўша йили ҳукумат томонидан мамлакатдаги биринчи исломий молиявий муассаса – Ҳожилар фонди (*Lembaga Tabun Haji*) тузилади (Зарипов, 2016). Фонд ҳажга бориш истагида бўлганлар учун ҳаж ибодатини адо этишга маблағ

Йиғиб бориш мақсадида ташкил этилган. Аввалига маблағлар Малайзия Молия вазирлигидаги махсус ҳисоб рақамда йиғилиб борилган бўлса, кейинчалик маблағлар тез суръатларда ортиб бориши сабабли улардан самарали фойдаланиш мақсадида ислом тамойилларига мос келувчи махсус банк очиш лозимлиги намоён бўлиб борди.


1980 йилда Малайзияда ўтказилган иқтисодий конгрессда ислом банкларини очиш бўйича ҳукуматга таклиф билан чиқилади. 1981 йили Ислом тараққиёти концепцияси бўйича миллий семинар иштирокчилари эса ислом банклари тўғрисида қонун қабул қилиш таклифи билан мурожаат қилишади. Малайзия ҳукумати таклифларга жавобан таклифларни кўриб чиқиш ва масалани ўрганиш учун Ислом банклари фаолиятини ўрганиш бўйича миллий ижро қўмитаси (*National Exective Islamic Banking Committee*)ни ташкил этади. Қўмита Миср ва Судан ислом банклари фаолиятини ўрганган ҳолда 1982 йили ислом тамойилларига асосланган банк ташкил этиш, ислом банклари тўғрисида махсус қонун қабул қилиш, ислом банкларининг ҳар бирида шариат кенгашларини тузилиши лозимлиги каби таклифларни ўз ичига олган хулосасини тақдим этади. Бунинг натижасида 1983 йилда “Ислом банклари фаолияти тўғрисида”ги қонуни қабул қилинади. Бундан ташқари “Қимматли қоғозлар индустрияси тўғрисида” ва “Қимматли қоғозлар тўғрисида”ги қонунларга ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларни эмиссия қилиш имкониятини беришни кўзда тутувчи тегишли ўзгартиришлар киритилди. Шу йилнинг ўзида Малайзияда биринчи ислом банки – Bank Islam Malaysia Berhad фаолиятини бошлайди. Банкка ҳожилар фонди маблағларининг катта қисми ўтказилади. Келгуси йилда эса “Ислом суғуртаси (такофул) тўғрисида”ги қонун қабул қилинади.

Малайзия қимматли қоғозлар бозори ташкил этилгандан буён 5 та ташкилот томонидан назорат қилиб келинар эди. Ривожланаётган бозорда тартибга солувчи органларининг кўплиги ва турли туманлиги бозор иштирокчиларига қийинчилик туғдириб келганлиги кенгайиб бораётган бозор муаммоларини ҳал қилишни устувор масалага айлантиради. Муаммоларни ўрганиш ва ечими юзасидан таклифларни ишлаб чиқиш учун махсус ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ 1988 йилда қимматли қоғозлар бозорида жумладан, исломий қимматли қоғозларни ҳам тартибга солувчи ва назорат қилувчи ягона ташкилот тузиш бўйича якуний хулосасини беради. Мамлакатнинг Молия вазирлиги бошчилигида 1991 йилда яна бир ишчи гуруҳ тузилади. Ишчи гуруҳ олдига капитал бозорида ечимини кутаётган устувор масала – “Қимматли қоғозлар бўйича комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилади.

Малайзия қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи ягона орган тузиш учун ишлаб чиқилган ҳужжат 1992 йил мамлакат парламентида тасдиқланади. Қонун кучга кириш вақти – 1993 йил 1 мартдан Қимматли қоғозлар бўйича комиссия расмий фаолиятини бошлайди.

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия капитал бозорини, хусусан, сукук ва ислом капитал бозорини ривожлантиришга масъул орган ҳисобланади (About the SC, n.d.). Комиссия Молия вазирлигига ва парламентга фаолияти юзасидан ҳисобот беради. Шу билан бирга ўз ўзини молиялаштирувчи орган ҳисобланади.

Комиссия фаолиятини унинг раиси бошқаради ва унинг Кузатув кенгаши орқали тайинланади. Кузатув кенгаши таркиби 9 кишидан иборат (3-расм). Кенгаш аъзолари Малайзия Молия вазирлиги томонидан тайинланади. Комиссия таркибида исломий қимматли қоғозлар методологиясини ва бозорини ривожлантириш учун алоҳида шариат департаменти ва ислом капитал бозорини ривожлантириш бўлими фаолият юритади. Бундан ташқари, исломий қимматли қоғозлар бўйича юзага келадиган саволларга ислом тамойилларига асосланган жавоб излаш ва муаммоли вазиятларни ечиш мақсадида Комиссия таркибида мустақил Шариат маслаҳат кенгаши тузилади. Кенгаш чиқарилаётган исломий қимматли қоғозларни ислом тамойилларига мос келиши ёки мос келмаслиги юзасидан текширувлар ўтказилади, Комиссиянинг ислом капитал бозори фаолиятига оид таклифларини беради, маълум вақтлар оралиғида ислом тамойилларига мос келувчи қимматли қоғозлар рўйхатини эълон қилиб боради. Шариат маслаҳат кенгаши ўз фаолиятини 1996 йилдан бошлаган ва ислом капитал бозоридаги баҳслар юзасидан олий инстанция органи ҳисобланади.



Манба: *Securities Commission Malaysia Act 1993* ва www.sc.com.my маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланган.

3-расм. Малайзия қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш тизимининг таркибий тузилмаси

Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташкил этилган вақтда Малайзия ислом молия бозорини ривожлантириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган йўл харитаси ишлаб чиқилган эди. Эътиборли жиҳати йўл харитаси мамлакатнинг бутун молиявий тизимини ислоҳ қилиш билан бир вақтда амалга оширилган.

2000 йилда ҳам ислом молиясини ривожлантириш бўйича 10 йиллик (2001-2010 йиллар) режа (Financial Sector, n.d.) қабул қилинади. Унда кўплаб муҳим вазифалар қўйилган бўлиб, хусусан:

- Малайзияни минтақа ва халқаро миқёсда ислом молияси марказига айлантириш;
- ислом молия ташкилотларидаги шариат кенгашлари ҳар бир инструментни тасдиқлаши ва назорат қилишига эришиш;
- норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ислом ҳамда анъанавий молия тизимлари учун тенг шароит яратиб бериши лозим;
- замон талабидан келиб чиққан ҳолда ислом молияси соҳасида кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими йўлга қўйиш.

2004 йилдан бошлаб Малайзия Вақф ва Закот фондлари ривожини учун алоҳида эътибор берилган бўлса, 2006 йилдан халқаро даражада ислом молия тизими тараққиётига жиддий тўртки берувчи қадам ташланган. Соҳа бўйича фан ва таълим институтларнинг ташкил этилиши бугунги кунда Малайзияни халқаро миқёсда етакчилардан бўлишига муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Малайзия Марказий банки ва Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташаббуси билан қуйидагилар ташкил этилган:

- Малайзия халқаро ислом молия маркази (*Malaysia International Islamic Financial Centre – MIFC*);
- Ислам молияси таълими халқаро маркази (*International Centre Education for Islamic Finance – INCEIF*);
- Ислам молияси бўйича халқаро шариат тадқиқот академияси (*International Shari'ah Research Academy for Islamic Finance – ISRA*).

Малайзияда исломий қимматли қоғозлар ривожланишининг асосий босқичлари

Йил	Амалга оширилган чора-тадбирлар
1969	Ҳожилар фонди тузилиши.
1983	- "Ислом банклари тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши; - Биринчи исломий банк фаолияти йўлга қўйилиши; - "Қимматли қоғозлар индустрияси тўғрисида"ги ва "Қимматли қоғозлар тўғрисида"ги қонунларга тегишли ўзгартиришлар киритилиши.
1990	Биринчи сукук эмиссия қилиниши.
1993	Қимматли қоғозлар бўйича комиссия ташкил этилиши.
1996	Қимматли қоғозлар бўйича комиссия таркибида Шариат кенгаши тузилиши.
2000	Ислом молиясини ривожлантириш бўйича 10 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси қабул қилиниши.
2006	Малайзия халқаро ислом молия маркази (MIFC), Ислом молияси таълими халқаро маркази (INCEIF) ва Ислом молияси бўйича халқаро шариат тадқиқот академияси (ISRA) ташкил этилиши.
2007	"Капитал бозори ва қимматли қоғозлар тўғрисида"ги қонун қабул қилиниши.
2013	"Исломий молиявий хизматлар тўғрисида"ги ва "Молиявий хизматлар тўғрисида"ги қонунлар қабул қилиниши.

Манба: Муаллиф томонидан тайёрланган

Бундан ташқари кўплаб олий таълим муассасалари, илмий ва халқаро марказлар ислом молияси билан шуғулланиб келади. Малайзия ислом молияси бўйича жаҳон марказига айланиб бормоқда. Ислом молияси бўйича халқаро стандартларни ишлаб чиқувчи Ислом молиявий хизматлари кенгаши (*Islamic Financial Services Board – IFSB*)нинг штаб квартираси Куала-Лумпурда жойлашган.

2007 йилда исломий қимматли қоғозларни чиқаришнинг асосий тамойилларини ҳам ўз ичига олувчи "Капитал бозори ва қимматли қоғозлар тўғрисида"ги қонун қабул қилинади. 2013 йилда Малайзия молия тизими икки компонентли эканлигининг ҳуқуқий асосини кўрсатувчи иккита қонун қабул қилинади: "Исломий молиявий хизматлар тўғрисида"ги ва "Молиявий хизматлар тўғрисида"ги қонунлар.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Малайзияни ислом молияси бўйича халқаро марказ деб атай олмасакда, исломий қимматли қоғозлар бўйича жаҳон локомотиви деб аташ мумкин. Шунингдек, соҳа бўйича кадрлар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва форум, конференция ҳамда саммитлар ўтказиш бўйича халқаро марказ ҳисобланади.

Ўзбекистон аҳолисининг 88%и мусулмонлар эканлиги ислом тамойилларига асосланган қимматли қоғозларга талаб мавжуд бўлишини англатади. Аммо энг катта муаммо кенг жамоатчиликнинг сукуклар борасида етарлича тушунчага эга эмаслиги ва соҳа мутахассисларининг етишмаслигидир. Ушбу муаммолар сукукларни Ўзбекистон фонд бозорига жорий этишни бир неча босқичларда амалга оширишни талаб этади.

Сукукнинг шаклланиши, ривожланиш тенденцияси ва бугунги кундаги фаолияти бўйича Малайзия тажрибаси ҳамда мамлакатимиз шароитини ўрганган ҳолда, сукукларни Ўзбекистон фонд бозорига жорий этишни уч босқичда амалга оширишни таклиф этамиз.

1. Институционал асосларни яратиш. Ушбу босқич баравар давом этувчи икки йўналишдан иборат бўлади:

- кадрлар тайёрлаш, молиялаштириш инфратузилмасини шакллантириш ва аҳоли саводхонлигини ошириш.
- ҳуқуқий асосларни яратиш.

2. Давлат томонидан сукук эмиссия қилиниши.

3. Исломиё қимматли қоғозларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш.

Хулоса ва таклифлар

Биринчидан. Жаҳондаги сукук эмиссиясининг 60%дан ортиғи Малайзия ҳиссасига тўғри келади. Бу борада энг йирик тажрибага ҳам эга ва жаҳондаги ягона локомотив ҳисобланади.

Иккинчидан. Икки компонентли молия тизими ресурсларни жалб этиш жиҳатидан муҳим аҳамият касб этади ва мамлакат иқтисодиётида инвестицияга бўлган талабни қондиришга кўмаклашади.

Учинчидан. Ўзбекистон фонд бозорини ислоҳ этилиш жараёнида сукуклар янги молиявий инструмент сифатида жорий этишга эҳтиёж мавжуд бўлиб, фонд бозоридан четда қолаётган қатлам учун қулайлик яратади.

Тўртинчидан. Ўзбекистонга фонд бозорига исломий қимматли қоғозларни жалб этиш бир неча босқичда амалга ошириш лозим бўлади: Кадрлар тайёрлаш, молиялаштириш инфратузилмасини шакллантириш ва аҳоли саводхонлигини ошириш, институционал асосларни яратиш, дастлабки сукук эмиссиясини амалга ошириш ҳамда сукукларни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегиясини ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

About the SC, viewed 13 February 2019, <<https://www.sc.com.my/about/about-the-sc>>;

ACT 498, Securities Commission Malaysia Act 1993 (Incorporating latest amendment – Act A1539/2017), Malaysia;

Brian Kettell 2011, *Introduction to Islamic Banking and Finance*, John Wiley & Sons, United States;

Chapra M.U. 2011, *The Global Financial Crisis: Can Islamic Finance Help?*, Islamic Economics and Finance: A European Perspective, edited by J.Langton, C.Trullols and A.Turkistani, Palgrave Macmillan, London;

Financial Sector, n.d. viewed 25 February 2019, <http://www.bnm.gov.my/index.php?ch=en_publication&pg=en_fsmp&ac=7&en>

GIFR 2017, Global islamic finance report;

International Islamic Financial Market 2013-2018, *Sukuk report: A comprehensive study of the global sukuk market*;

M. Kabir Hassan, Rasem N. Kayed & Umar A. Oseni 2013, *Introduction to Islamic Banking & Finance*, Pearson Education, United Kingdom;

Nathif Jama Adam & Abdulkader Thomas 2005, *Islamic bonds: your guide to issuing, structuring and investing in sukuk*, Euromoney, United Kingdom;

Sudin Haron & Wan Nursofiza Wan Azmi 2009, *Islamic finance and banking system*, McGraw-Hill Professional, United States;

Зарипов И.А. 2016, *Малайзия – флагман исламских финансов*, Вестник финансового университета. №4. С118-129;

Исломиё молиялар ва бинк тизими, Таржимон: Ботирхўжа Жўраев, Тошкент, Ўзбекистон;

Мокина Л.С. 2017, «Исламские ценные бумаги как источник финансирования инвестиционных проектов и перспективы их размещения на финансовом рынке России», Российское предпринимательство. Том 18. №22. С.3429

Р.В.Абдуллаев ва С.М.Дусанов, 2007, *Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар*, Ўзбекистон, Тошкент ислом университети;